

А Ж Р И М

(Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини оғирроқ жазога алмаштириш ҳақида)

2025 йил февраль ойининг 18 кунини жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман суди ўз биносида, Қўрғонтепа туман Учқун маҳалла фуқаролар йиғи идора биносида, очик сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси Н.Парпиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Тўланованинг котибалигида, прокурор ёрдамчиси А.Турғунов, Қўрғонтепа туман ИИБ Пробаця гуруҳи инспектори М.Маматалиев, маҳкум И.Гофуровнинг ҳимоячиси Т.Исмоиловнинг иштирокида, Қўрғонтепа туман ИИБнинг маҳкум Гофуров Ифтихорбек Икболжоновичга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини оғирроқ жазога алмаштириш ҳақидаги тақдимномаси ва шунга асосан тўпланган 1-1715-2401/164-сонли иш ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум Гофуров Ифтихорбек Икболжонович (Gofurov Iftixorbek Ikboljonovich), 1995 йил 08 апрелда Қўрғонтепа туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, уйланмаган, ишламайди, муқаддам судланмаган, Қўрғонтепа тумани, Буюк замин МФЙ, Яхши ният кўчаси, 7-уйда яшаган.

Қўрғонтепа туман ИИБ томонидан тақдимнома киритилиб, маҳкум И.Гофуров жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг 2024 йил 15 августдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолдан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. И.Гофуровга нисбатан чиқарилган ҳукм нусхаси 2024 йил 07 сентябрь кунини Қўрғонтепа туман ИИБ Пробаця гуруҳи ҳисобига олиниб, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиб-қоидалари, яъни жазони ўташ даврида қайта жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги, яшаш жойидан четга чиқиб кетмаслиги тушунтирилиб, агар ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаб, белгиланган жойга ишга бормай ишлашдан бўйин товлаб келса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан оғирроқ жазога алмаштирилиши ҳақида огоҳлантирилиб, И.Гофуровга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташи учун иш билан таъминлаш мақсадида Жалақудуқ тумани “SPZ BEARINGS” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасига 18.10.2024, 20.11.2024, 23.12.2024, 15.11.2025 йил кунлари йўлланма бериш орқали ишга юборилгани, бироқ назорат остидаги шахс И.Гофуров мазкур йўлланмалар орқали ишга жойлашмагани, бундан ташқари Қўрғонтепа тумани Меҳнат бандлиги бўлимига 07.09.2024, 18.10.2024, 20.11.2024, 23.12.2024 йил кунлари йўлланма бериш орқали ишга юборилгани бироқ назорат остидаги шахс И.Гофуров Меҳнат бандлиги бўлими ходимлари томонидан таклиф қилинган иш жойларни асосиз равишда рад қилгани, шунингдек Қўрғонтепа тумани



Ободонлаштириш бошқармасига 07.09.2024, 18.10.2024, 20.11.2024, 23.12.2024 йил кунлари йўлланма бериш орқали ишга юборилгани, бироқ назорат остидаги шахс И.Ғофуров ишга жойлашмагани, қолаверса Қўрғонтепа тумани “Karasuu Eko Tech” МЧЖга 07.09.2024, 20.11.2024, 23.12.2024, 15.01.2024 йил кунлари йўлланма бериш орқали ишга юборилган бўлсада, бироқ назорат остидаги шахс И.Ғофуров ишга жойлашмасдан йўлланмада кўрсатиб ўтилган тумандаги корхона ва ташкилотларга бормасдан суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётгани, шунингдек 07.08.2024 йил кунги ЎРҚ-938-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Пробация тўғрисида”ги қонуннинг 71-моддаси 1-қисмида “Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кунидан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиради. Назорат остидаги шахс жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди” деб белгиланган мажбуриятини қўпол равишда бузиб, назорат остидаги шахс И.Ғофуров 14.10.2024 йил куни, 15.10.2024 йил куни, 16.10.2024 йил куни, 18.10.2024 йил куни ҳамда 13.01.2025 йил кунлари Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб Қирғизистон Республикаси худудига ўтиб қайтиб келгани, маҳкум И.Ғофуров суд томонидан берилган жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётгани, бундан ташқари И.Ғофуров ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ даврида такроран жиноят содир этиб қўймаслигини олдини олиш мақсадида унга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталмай қолган қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан оғирроқ жазога алмаштиришни кўриб чиқиш сўралган.

Қўрғонтепа туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори М.Маматалиев судда маҳкум И.Ғофуров 2024 йил 07 сентябрь куни Қўрғонтепа туман ИИБ Пробация гуруҳи ҳисобига олиниб, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиб-қоидалари, яъни жазони ўташ даврида қайта жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги, яшаш жойидан четга чиқиб кетмаслиги тушунтирилиб, агар ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаб, белгиланган жойга ишга бормаи ишлашдан бўйин товлаб келса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан оғирроқ жазога алмаштирилиши ҳақида огоҳлантирилиб, И.Ғофуровга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташи учун иш билан таъминлаш мақсадида Жалақудуқ тумани “SPZ BEARINGS” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасига 18.10.2024, 20.11.2024, 23.12.2024, 15.11.2025 йил кунлари йўлланма бериш орқали ишга юборилганини, бироқ назорат остидаги шахс И.Ғофуров мазкур йўлланмалар орқали ишга жойлашмаганини, бундан ташқари Қўрғонтепа тумани Мехнат бандлиги бўлимига 07.09.2024, 18.10.2024, 20.11.2024, 23.12.2024 йил кунлари йўлланма бериш орқали ишга юборилганини, бироқ назорат остидаги шахс И.Ғофуров Мехнат бандлиги бўлими ходимлари томонидан таклиф қилинган иш жойларни асоссиз равишда рад қилганини, шунингдек Қўрғонтепа тумани Ободонлаштириш бошқармасига 07.09.2024, 18.10.2024, 20.11.2024, 23.12.2024 йил кунлари йўлланма бериш орқали ишга юборилганини, бироқ



назорат остидаги шахс И.Ғофуров ишга жойлашмаганини, қолаверса Қўрғонтепа тумани “Karasuu Eko Tech” МЧЖга 07.09.2024, 20.11.2024, 23.12.2024, 15.01.2024 йил кунлари йўлланма бериш орқали ишга юборилган бўлсада, бироқ нazorат остидаги шахс И.Ғофуров ишга жойлашмасдан йўлланмада кўрсатиб ўтилган тумандаги корхона ва ташкилотларга бормасдан суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётганини, шунингдек 07.08.2024 йил кунги ЎРҚ-938-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Пробация тўғрисида”ги қонуннинг 71-моддаси 1-қисмида “Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кунидан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиради. Назорат остидаги шахс жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди” деб белгиланган мажбуриятини қўпол равишда бузиб, назорат остидаги шахс И.Ғофуров 14.10.2024 йил куни, 15.10.2024 йил куни, 16.10.2024 йил куни, 18.10.2024 йил куни ҳамда 13.01.2025 йил кунлари Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб Қирғизистон Республикаси худудига ўтиб қайтиб келганини, маҳкум И.Ғофуров суд томонидан берилган жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётганини, бундан ташқари И.Ғофуров ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ даврида такроран жиноят содир этиб қўймаслигини олдини олиш мақсадида унга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталмай қолган қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириб, тақдимномани қаноатлантириб беришни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Суд, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни атрофлича кўриб чиқиб, Қўрғонтепа туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори М.Маматалиев ва прокурор ёрдамчиси А.Турғуновларни Қўрғонтепа туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантириш ҳақидаги, маҳкум И.Ғофуров ва адвокат Т.Исмоиловни илтимосномани қаноатлантиришни рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, уларни муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан Қўрғонтепа туман ИИБнинг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмида агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа, ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши белгиланган.

И.Ғофуров суд томонидан тайинлаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўттиз кундан кўпроғини ўташдан қасддан бўйин юрганлигини, оғир турдаги жиноят содир қилиб ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланганини хис қилмагани, жазо ўташни бўйин товлашдан ташқари яна Қирғизистон Республикасига ўтиб юрганини, ўзига нисбатан суднинг ҳукми билан жазо тайинланганидан хулоса чиқармагани, келгусида у томонидан бошқа оғирроқ жиноят содир қилиш шунингдек қочиб яшириниш эҳтимоли борлигини



назарга олиб, уни жазони ўташ дарида ўзини тутиши, тайинланган жазога нисбатан бўлган муносабатини эътиборга олиб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликни чеклаш жазосига алмаштиришни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаб, маҳкум И.Гофуровни жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг 2024 йил 15 август кунги ҳукмига асосан ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан тайинланган иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштиришни, И.Гофуровга озодликдан маҳрум қилиш жазосини Ўзбекистон Республикаси Жиноят Ижроия Кодексининг 116-моддасига асосан жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни, жазонинг ўташ муддатини 2025 йил 18 февраль кундан бошлаб ҳисоблашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 46-моддаси 4-қисми, ЖПКнинг 423,541,542-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Қўрғонтепа туман ИИБнинг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг 15.08.2024 йил кунги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан маҳкум Гофуров Ифтихорбек Икболжоновичга нисбатан тайинланган иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилсин.

Маҳкум И.Гофуров дархол суд залидан қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш Департаменти 2-минтақавий ҳудуд 3-сонли тергов ҳибсхонасига этап қилинсин.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят Ижроия Кодексининг 116-моддасига асосан жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилансин, жазонинг ўташ муддатини 2025 йил 18 февраль кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажрим ижроси Қўрғонтепа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ажрим ўқиб эшитирилган пайтдан кучга киради.

Ажримдан норози томонлар Андижон вилоят суди жиноят судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

Н.Парпиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри.

Туман судининг раиси

Н.Парпиев

